


## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 43000,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 % га ўси. ЯҲМ дефлятор индекси 2020 йил январь-сентябрь ойларидаги нархларга нисбатан 113,7 % ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқарши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

2019-2020 йиллар учун ЯҲМ физик ҳажми ва дефлятор индекси динамикаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да).




**Январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари  
бўйича мутлак ўсиш суръатлари**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)




Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,0 %, (ЯҲМ таркибидағи улуши - 25,1 %), саноат - 103,0 % (47,3 %), қурилиш - 100,9 % (4,9 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 100,1 % (6,6 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 103,7 % (4,8 %) ва бошқа хизмат тармоқлари - 98,3 % (11,3 %) ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 14527,5 минг сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.


**Январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯҲМ хажми  
(жорий нархларда, минг сўм)**




**Январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



**Январь-сентябрь ойларида ЯХМ ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг  
ялпи қўшган қиймати ҳажми (млрд. сўмда)**




**Январь-сентябрь ойларида кичик бизнеснинг ЯХМдаги улуши  
(Ялпи қўшилган қийматга нисбатан % да)**



**Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯХМнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	млрд. сўм		<i>Физик ҳажм индекси %да</i>
	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>	
<b>I.ЯХМ-жами</b>	<b>36911,6</b>	<b>43000,1</b>	<b>102,4</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	34284,5	40930,3	102,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	2627,1	2069,8	102,4
<b>II.Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>34284,5</b>	<b>40930,3</b>	<b>102,4</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8449,3	10266,5	104,0
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>17660,8</b>	<b>21351,1</b>	<b>102,8</b>
саноат	15980,4	19340,8	103,0
қурилиш	1680,4	2010,3	100,9
<b>Хизматлар</b>	<b>8174,4</b>	<b>9312,7</b>	<b>100,0</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2417,8	2720,3	100,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1715,1	1960,5	103,7
бошқа хизмат тармоқлари	4041,5	4631,9	98,3

**Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби  
(жамига нисбатан % да)**




Юқорида келтирилган диаграммада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилдаги 24,6 % дан 2020 йилда 25,1 % га, курилиш улуши 2019 йилда 4,9 % ни ташкил этган бўлиб, 2020 йилда 4,9 % ни ташкил этиб ўзгаришсиз қолганлигини кўриш мумкин. Саноат улуши 46,6 % дан 47,3 % га ошиди.

Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 23,9 % дан 22,7 % га камайди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларниң ЯҲМ таркибидаги улуши 6,6 % ни (2019 йил январь-сентябрь - 6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа -4,8 % ни (5,2 %), бошқа хизмат тармоқлари - 11,3 % ни (12,6 %) ташкил этди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 49,8 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) хиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2019 йил январь-сентябрь ойларида 51,5 % ни ташкил қилган.


### **Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)**



ЯҲМ ўсиш суръатига саноат соҳасининг таъсири - 1,3 ф.п. ташкил этди.


2020 йилнинг январь-сентябрь якунларига кўра кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 4,0 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯҲМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,9 ф.п. ни ташкил этди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**  
(жамига нисбатан % да)



2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2019 йил январь-сентябрь ойларидаги нархларга нисбатан 113,7 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юкори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 116,9 %, курилишда – 118,6 %, саноатда – 117,5 % қайд этилди.

**Январь-сентябрь ойларида ЯХМинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



## **Статистик кўрсаткичларга изоҳлар**

**Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ)** - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий худуддида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига (ЯҲМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯҲМ ҳажмини мамлакат (худуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** - товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** - давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соғ солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айриш орқали аниқланади.

**ЯҲМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисбот даври ЯҲМни (реал ЯҲМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯҲМ дефлятор индекси** - иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (жорий нархлардаги ҳисбот даври ЯҲМ) реал ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.